



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

F. Axmedov¹, A. Quvondiqov²

¹ JizDPU, jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi kafedrası
professori

² JizDPU, jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi kafedrası
o'qituvchisi

ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЛАШДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ТАДБИРАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланишнинг афзалликлари

Аннотация: Ушбу мақолада маънавий тарбия тушунчаси илмий таҳлил этилган. Ўқувчилар маънавий тарбиясида жисмоний маданият ва спорт тадбирларидан фойдаланишнинг афзалликлари тўлақонли ёритилган.

Калит сўзлар: маънавият, тарбия, жисмоний маданият, миллий ғурур, орномус, маънавий-руҳий ҳолатлар, инсон, давлат, жисмоний имконият, мезон, инсон омили.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹ деб таъкидлаганлар. Ҳар қандай миллатнинг тараққиёти жамиятимиздаги ёшларнинг

¹ Мирзиёев Ш.М.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Т.,Ўзбекистон:НМИУ, 2016. 14-бет.

амалий фаолиятида ифода этилади. Ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этади. Бугунги ёшларимиз ғоявий жиҳатдан чиникқан ватанпарвар, замонавий билимларни эгаллаган ва ҳар қандай йўналишда ўз муносабатини билдира оладилар. Улар жамиятнинг шундай ижтимоий гуруҳига мансуб-ки, худди шу ёшлар кучли ҳиссий билиш қобилиятига эгадир. Бугунги кунда ёшлар орасида миллий ғурур, ор-номус ва маънавий-руҳий ҳолатлар устунлигида ҳақиқатни айтишдан чўчимаслик, мавжуд қийинчилик ва муаммоларни очик ойдин баён этиш имконияти мавжуд.

Абу Наср Форобий сиёсий қарашлари негизини “инсон-давлат-маънавият” уйғун учлиги ташкил этади, унинг изланишлари сиёсий воқеликда маънавиятнинг ролини изоҳлашга бағишланади. Маълумки, Абу Наср Форобийнинг “шаҳарлар таснифи” таълимотида маънавиятнинг тадрижияти тасвири берилган ҳамда маънавият муайян ҳаёт тарзини шакллантириши ҳақида хулоса чиқарилган. Аллома турли маънавиятларнинг қарор топишини турли “шаҳар” аҳолиси турмуши сифатида тасвирлаш усулини қўллаган. Аммо Форобий бир қарашда идеал саналмиш “фозил шаҳар”, яъни етук маънавиятнинг емирилиши ёки таназули тадрижияти ҳам юзага келиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқаради. Айни шу жиҳатдан Форобийнинг илмий мероси биз учун муҳим. Маънавиятнинг икки асосий сифати бор ё ўзингники бўлади, ё бировники. Бировнинг ўз маънавиятини тикиштириб, сенинг маънавиятингга таҳдид солиши фақат битта мақсадни – сенинг маънавиятингни йўққа чиқаришни кўзлайди. Мутафаккир ҳар қандай жамият учун маънавият борасида иккита вазифа устувор бўлишини: биринчидан, ўз маънавиятини мудом такомиллаштириш, иккинчидан, уни ўзга маънавият тажовузидан асрай билишни таъкидлайди. Аллома комил инсоннинг фазилатли ишлари илмга асосланади, дейди. Аммо инсон ўз илмини амалий жиҳатдан тадбиқ этиш воситаларига эга бўла олмаса, унда бу ҳол комиллик ҳисобланмайди. “Инсоннинг комиллиги унинг бажарган амалий ишларида ифодаланади. Масалан, котибнинг камолоти ёзиш санъатини ўзлаштирганлигидагина эмас, балки ўз касбига доир вазифаларни моҳирона бажаришидадир. Худди шунингдек, шифокорнинг камолоти ҳам унинг тиббиёт санъатига доир билимга эга бўлишида эмас, балки хасталикни даволашнинг амалий воситаларини мукамал билишидан иборатдир. Бу ҳол ҳар қандай бошқа санъат соҳибларига ҳам тааллуқлидир”².

Турли мутахассислар ва олимлар ёшлар тарбиясида, хусусан, уларга маънавий тарбияни сингдиришда турлича ёндашувлар ва фикрларни илгари суришади. Мутахассисларнинг фикрича, ёшлар онгида маънавий тарбия шакллантириш ёшлик ва ўсмирлик даврида муҳим аҳамият касб этади. Айни шу даврда ўқувчи-ёшлар турли таъсирларга берилувчан бўлишлари кузатилган. Шу сабабдан ушбу даврда уларнинг ҳар томонлама тарбияланиши ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш зурур.

Жисмоний маданият ва спорт тадбирларида маънавий тарбияни ўрганиш учун аввало жисмоний маданият ва спорт тадбирларининг вазифаларини санаб ўтиш лозим. Спорт назариясидан маълум бўлишича жисмоний маданият ва спортнинг мусобақа вазифаси, соғломлаштириш вазифаси, ғоявийлик вазифаси, эстетик вазифаси, ахлоқий-тарбиявий вазифаси, ижтимоий-сиёсий вазифаси, байналминалчилик вазифалари мавжуд. Шунингдек, айрим манбааларда кўрсатилишича, жисмоний

² Абу Наср Фараби. Социально-этические трактаты. – Алма-Ата:Наука, 1975. – Б. 166.

маданият ва спорт тадбирлари воситасида ватанпарварлик, инсонпарварлик тарбиясини ёш авлодга сингдириш масалалари баён қилинган. Бу ўринда мутахассислар спорт мусобақалари ва тадбирлари жараёнида ёшларни ватанпарварлик ғоялари руҳида тарбиялашнинг имкониятлари юқори даражада эканлигини эътироф этишади. Жисмоний маданият ва спорт тадбирларида фақатгина натижаларни аниқлаш, жисмоний имкониятларни намоёиш қилиш мезони бўлибгина қолмай инсон омили, унинг ҳар томонлама тарбияланиши масаласига ҳам алоқадорлиги мазкур мавзу доирасида ўтказилаётган тадқиқотларда ўз аксини топмоқда.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари жисмоний маданият ва спорт тадбирлари қўйидаги шакиллар асосида амалга оширилиб борилади:

- ✓ Жисмоний маданият дарслари
- ✓ Катта танаффуслардаги уюштирилган ўйинлар
- ✓ Спорт кўнгили очишлари
- ✓ Спорт тўғараклари
- ✓ Байрамлар
- ✓ Мусобақалар
- ✓ Кувноқ стартлар
- ✓ БЎСМ лардаги турли спорт тадбирлари асосида амалга оширилиб борилади.

Юқорида санаб ўтилган жисмоний маданият ва спорт тадбирлари асосда ўқувчиларни маънавий тарбиялаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, глобаллашув шароитида ёшлар маънавий қиёфаси такомиллашувининг ижтимоий-маънавий масалалари шу даражада долзарбки, бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ бўлган масалалар нафақат мактаб, лицей, олий ўқув юртлиари, балки оила, маҳалла, ёшлар билан ишлайдиган жамоат ташкилотлари ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқалар асосида изчиллик билан амалга оширилиб, уларнинг дунёқарашларида ватанпарварлик туйғусини тўлиқ шакллантирганимиздагина биз кўзланган мақсадимизга эришамиз ҳамда ёшларимизни ўзбек халқининг миллийлиги, нурли истиқболи ва порлоқ келажагига чин маънода эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлган буюк халқимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб камол топишига замин яратилган бўлади.

Адабиётлар

1. Ахмедов Ф.Қ., Атамуродов Ш.Ў ва бошқалар., Бошланғич синфларда жисмоний тарбия. Услубий қўлланма. “Истиклол нашриёти” Тошкент -2013 йил. 111 б.
2. Ахмедов Ф.Қ., Атамуродов Ш.Ў. Бошланғич синфларда жисмоний маданият дарслари. Услубий қўлланма. “Turon zamin ziyo” nashryoti Тошкент -2017 йил. 139 б.
3. Ахмедов Ф.Қ., Атамуродов Ш.Ў. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. Ўқув қўлланма. “VNESHINVESTRPROM” nashryoti Тошкент -2019 йил. 180 б.
4. Axmedov F.Q., Jismoniy tarbiya va sport nazariyasi “Ruhsora servis” нашриёти Тошкент 2021